

ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН “ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ – МАЪРИФАТ” БОРАСИДАГИ ТУШУНЧАЛАР УСТИДА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

М.Р.Исакулов - катта ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: маърифат, жаҳолат, Ватанни англамоқ, тарбиялаш, интеллектуал салоҳият, онг, қалб, ўқув материали, конституция, қонун, манфаат, маънавият, ҳуқуқ, Ватанпарварлик, ахборот маданияти, ижтимоий фаоллик, касбий савия, жисмоний тарбия, ижодий студия.

Ключевые слова: просвещение, невежество, познавать Родину, воспитывать, интеллектуальная способность, сознание, душа, учебные материалы, конституция, закон, польза, духовность, право, патриотизм, информационная культура, социальная активность, профессиональный уровень, физическое воспитание, творческая студия.

Key words: education, ignorance, to cognate the homeland, the bring up, intellectual potential, consciousness, soul, learning material, constitution, the law, interest, spirituality, right, patriotism, information culture, social activity, professionalism, physical education, creative studio.

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж, фан-техника тараққиёти юқори синф ўқувчилари учун ҳам жуда катта имкониятлар яратиб бермоқда. Давлатимиз раҳбари доимий равишда ёшларга эътибор бериб келмоқда. Қасрда, қайси лавозимда ишлашимиздан қатъи назар, болаларимиз билан гаплашиб, уларнинг кўнглига йўл топиб, юриш-туриши, хатти-ҳаракатидан хабардор бўлиб боришимиз керак. Айниқса, уюлмаган ёшларга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Чунки одамлар, жамият эътиборидан четда қолган боланинг кўнгли ўксик бўлади, аламзада бўлади. Ким қасқа тортса, нимага қизиқтира, шу ёққа қараб интилади.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», деган мақолига амал қилайлик. Биз учун жамиятда бегона бола йўқ ва бўлмаслиги керак. Ҳаммаси ўзимизнинг, Ўзбекистонимизнинг болалари. Вақтида меҳр кўрсатсак, ишга, илмга, касбу-ҳунарга, эзгу фазилатларга ўргатсак, уларнинг йўлини очиб берсак, эртага фойдаси ўзимизга, жамиятимизга тегади. Акс ҳолда, улар бошқаларнинг кўлидаги қуролга айланиб қолиши ҳеч гап эмас [1].

Яратилаётган имкониятлар юқори синф ўқитувчиларининг олдида бир қатор талабларни ҳам қўймоқда. Мисол учун уларнинг «жаҳолатга қарши – маърифат» борасидаги билимларини янада бойитишда тезкор қарорлар қабул қилиш кўникмасини, инновацион ғояларни бериш имкониятини, интеллектуал салоҳиятни оширишни, маънавий камолатга эришиш каби талабларни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

Бугунги кунда юқори синф ўқувчилари билан «жаҳолатга қарши – маърифат» борасидаги тушунчалар устида ишлашда ёшларга оид давлат сиёсатини ва уни амалга ошириш борасида ҳам муҳим ишлар бажарилиши керак. Бунда асосий масала ўсиб – улғайиб келаётган ёшлар ҳаётида учраётган муаммолардан бири тўсиқлардир. Бу тўсиқлар психологик, ижтимоий кўринишларда кўзга ташланади. Унинг ечимини топиш масаласи айнан «Ўзбекистон ёшлари – 2030» Концепциясида ўз аксини топган.

«Ўзбекистон ёшлари – 2030» Концепциясининг мақсадини юқори синф ўқувчиларига тушунтириб бериш, уларнинг интеллектуал имкониятларини ошириш, маънавий савиясини юксалтиришга қаратилган тизим орқали жаҳолатга қарши тура олиш малакаси шакллантирилади. «Концепциясининг мақсадини – ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислохотларга фаол жалб қилиш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, ҳуқуқ ва эркинликларни, қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, ёш хотин-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини ошириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришдан иборат»[2]

эканлиги бирма – бир тушунтирилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда синф раҳбари ёки фан ўқитувчилари қуйидаги тушунчаларнинг мазмун – моҳиятини ўқувчиларга тушунтириши керак.

Булар: демократия, сиёсат, иқтисодиёт, ислохот, фаоллик, салоҳият, шарт – шароит, ҳуқуқ, эркинлик, қонун, манфаат, маънавият, касбий савия, интеллектуал ва ижодий салоҳият каби тушунчалардир. Юқори синф ўқитувчилари бу тушунчаларнинг мазмун – моҳиятини юқори синф ўқитувчилари онги ва қалбига синдиришда уларга зид бўлган тушунчаларга ҳам тўхталиб ҳаётий мисоллар келтириб, шунга мос бадий фильмлар, клиплар, спектакллар, маънавий – маърифий йўналишдаги тадбирлар, радио эшитирувлар ва телекўрсатувлар номойиш этсагина самарага эришади.

Биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эришиш учун яна ёшларга оид давлат сиёсатининг «Ўзбекистон ёшлари – 2030» Концепциясининг асосий вазифаларини ёшларнинг онгига синдиришимиз керак. Булар:

Биринчидан, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини янада ривожлантиришга қаратилган вазифаларни ёшларнинг онгига синдириш учун унинг ижросини бажариб боришлари муҳимдир.

Иккинчидан, ёшларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувига, бандлигини таъминлашга қўмаклашиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун аниқ амалга оширилиши керак бўлган режаларни ҳам тузиш керак. Мисол учун ўқувчиларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувига олиб келувчи режаларда нималар ўз аксини топиши керак. Биринчи навбатда қуйидаги тушунчаларнинг мазмунини ўқувчиларга етказиш керак.

«Ижтимоий муносабатлар - жамият ҳаётида моддий ва маънавий фаолиятлар натижасида турли субъектлар ўртасида қарор топадиган ўзаро муносабат ва ҳаракат мезонлари. Ижтимоий муносабатлар моддий ва маънавий муносабатларга бўлинади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш жамиятнинг яшаши ва ривожланишининг асосини ташкил этади. Шу сабаб ижтимоий муносабатлардан энг муҳими ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлардир. Ишлаб чиқариш муносабатлари бошқа ҳамма ижтимоий муносабатлар — сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва ҳоказо муносабатларнинг характери билгиланди. Барча ижтимоий муносабатларнинг ишлаб чиқариш муносабатларига боғлиқ эканини тушуниш жамият тарихий тараққиётининг қонуниятларини илмий равишда изоҳлашга имкон берди» [3]. Бу тушунча устида ишлашда инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар билишлари керакки, муносабатлар жараёнида ижобий, салбий кўринишдаги ишлар амалга оширилади. Буни изоҳлаш учун ахборот коммуникацион технология-

дарининг имкониятларидан фойдаланиш керак. Ўқувчилар ижтимоий муносабатлар жараёнида бунёдкор ишларга қўл уриш - жамиятнинг ривожланишига замин яратиш эканлигини англаши керак. Сўнгра биз ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришимиз учун бу тушунча устида ҳам ишлашимиз зарур.

“Ижтимоий фаоллик – ижтимоий субъектлар (жамият, табақа, гуруҳ ва шахслар)нинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг, меҳнат ҳамда маданий - маърифий фаолиятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ, амалга оширишга интилиши. Ижтимоий фаоллик шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва ҳуқуқ-атворини онгли равишда бошқаришининг асосий шарти ҳисобланади. Ижтимоий фаолликнинг уч тури мавжуд: ижтимоий – сиёсий жараёнлар ва маданият, меҳнат ҳамда турмуш соҳасидаги. Меҳнат фаоллиги меҳнат муносабатлари соҳасида намоён бўлади ва субъектнинг касбий-ижтимоий вазифани бажариши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. У ижтимоий фаолликнинг асосий, белгилловчи тури сифатида эътироф этилади. Унинг шакллари қуйидагича: тежамкорлик, саранжомлик учун ҳаракат, илмий-техникавий ижодда иштирок этиш, рационализаторлик, ихтирочилик ва бошқа ҳаракатлар”[3]. Юқори синф ўқувчиларини таълим – тарбия жараёнига тўлақонли жалб қилишимиз учун уларда ижтимоий фаолликни шакллантиришимиз керак. Қачонки, ўқувчилар фаол ҳаракат қилсагина берилган топшириқни ўз вақтида бажаради. Ўқув топшириқларини ўз вақтида бажаришга одатлантириш бекор юришнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатларнинг бири десак хато қилмаган бўламиз.

Ижтимоийлашув - бирон бир воқеа-ҳодиса, шахс ёки ҳаракатнинг ижтимоий моҳият касб этиб, кўпчиликка даҳлдор бўлиб, ижтимоий муносабатлар мужассамига айланиб боришини англатадиган тушунча [3].

Учинчидан, ёшларнинг инновацион ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилганлигини инобатга олган ҳолда жаҳолатга қарши – маърифат борасидаги инновацион ғоялари инобатга олиниб, амалиётга татбиқ қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, ёшлар ўртасида учраётган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган профилактик ишлар натижадорлигини ошириш борасида юқори синф ўқувчиларини айнан жамиятда учрайдиган салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган билимлари ва кўникмаларини шакллантириб бориш орқали мақсадга эришиш назарда тутилади.

Бешинчидан, ёшлар ўртасида кўнгиллилар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ишларда юқори синф ўқувчиларининг имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш орқали мактаб театр студиясини, мактаб кино студиясини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, ижодкор, танкидий-таҳлилий мушоҳада орқали эркин фикрловчи, ишбилармон, тадбиркор ҳамда интеллектуал салоҳияти юқори бўлган бугунги кун қаҳрамони тимсолини яратишга қаратилган ишларда умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари юқори синф ўқувчилари билан саҳна

кўринишларини тайёрлаб, ўзларининг ҳудудларида бугунги кун қаҳрамони тимсолини кўрсатиб бериши.

Еттинчидан, жисмоний тарбия ва спортни ёшлар турмуш тарзининг ажралмас қисмига айлантиришга қаратилган ишлар ижросини таъминлашда ҳам юқори синф ўқувчиларининг онгига соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб боришни куннинг асосий таркибий қисмига айлантириш. Спорт клубларида фаол иштирок этишини таъминлаш билан бир қаторда мусобақаларга чиқиши ва натижа кўрсатиши асосий мақад эканлиги қайд қилиниб борилади.

Саккизинчи, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълимни такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириб бориш учун ҳар бир ўқувчининг дунёқарашини ўзгартириб, бизни қуршаб турган оламнинг гуллаб яшнашига ҳисса қўшиб бориш.

Тўққизинчидан, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларга юқори синф ўқувчиларини жалб қилиб, ундай болаларнинг ижтимоийлашувига маънавий жиҳатдан ёрдам беришни ташкиллаштириш бугунги куннинг асосий вазифалари эканлигини юқори синф ўқувчиларига англатиб бориш орқали жаҳолатга қарши – маърифат ғоясини амалга ошириш мумкин.

Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида “Менинг маҳаллам”, “Менинг мактабим”, “Менинг қишлоғим”, “Менинг шахрим” “Менинг оилам”, “Менинг дўстим” “Менинг устозим” каби мавзуларда ижодий ишларни ташкиллаштириш орқали уларнинг маънавиятини юксалтириб боришга эришиш.

Умумтаълим мактабларида ижодий студияларни ташкил этиш орқали юқори синф ўқувчиларини ижодий фаолиятга йўналтириш ишларини такомиллаштириб боришга эришиш муҳим аҳамият касб этади

Юқори исинф ўқувчиларини умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш йўналишида қуйидаги ишларни амалга ошириш орқали жаҳолатга қарши – маърифат ғоялари амалга оширилиб борилади. Булар: оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда юқори синф ўқувчиларининг онгида миллий - маънавий қадриятларга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган материалларни кўпайтириш; мамлакатимизда ёшларнинг менталитетимизга қарши турли хил ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашишда ёшлар иштирокини кучайтириш борасидаги ишларга юқори синф ўқувчиларини жалб қилиш орқали ҳар бир ўқувчининг онги ва қалбида жаҳолатга нисбатан нафратни уйғотиш билан бир қаторда маърифат сари интилиш ва интеллектуал салоҳиятини ошириб боришга хизмат қиладиган оммавий тарбиявий тадбирларни ўтказиб бориш орқали юқори синф ўқувчиларини жамиятда учрайдиган жаҳолатга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш ва илм сари интилиш иштиёқини ошириб бориш орқали жамиятнинг энг фаол аъзолари сифатида кашф қилиниб борилади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
2. “Ўзбекистон ёшлари – 2030” концепцияси.

3. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. –Тошкент: 2009.

РЕЗЮМЕ

Маколада «Ўзбекистон ёшлари - 2030» концепциясида илгари сурилган асосий муаммолар ёритилган ва шу асосда юқори синф ўқувчиларини юксак маънавият руҳида тарбиялаш масалалари қараб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются основные задачи поставленные в концепции «Молодёжь Узбекистана-2030» на их основе рассматриваются вопросы воспитания учащихся старших классов в духе просвещения.

SUMMARY

The article deals with the main task put in the Conception «Youth of Uzbekistan-2030» and on their basis the author studies the issues of education of students of senior classes in the spirit of enlightenment.

ҚАТЪИЙМАС МАНТИҚ ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

К.Калимбетов - ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: паст даража, ўрта даража, юқори даража, тўплам, аниқланган ўзгаришчи, функция.

Ключевые слова: низкий уровень, средний уровень, высокий уровень, множество, фиксированная переменная, функция.

Key words: low level, medium level, high level, variety (multitude), fixed variable, function.

Таълимнинг самарадорлиги деганда таълим жараёнида олинган билим асосий кўрсаткичларининг берилган мезонларга мослик даражаси тушунилади. Таълим олувчининг ўзлаштиришини баҳолаш масаласи кўп мезонли ва бошланғич маълумотларнинг қисмлари бўйича қийин шакллантириладиган масала ҳисобланади. Баҳолашда статистик усулдан фойдаланиш кўп ҳолларда айрим муаммоларга дуч келади. Масалан, статистик баҳолаш услуби кузатилаётган жараён ёки параметр устида кўп сонли, ўзаро биргаликда бўлмаган тажрибалар ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратишнинг қийинлиги билан тавсифланади. Математик функциялар эса, фақат сон кўринишидаги маълумотлар билан ишлашга йўналтирилган. Педагогик жараён, хусусан “Математика” фанини ўқитиш жараёнида турли хил табиатли маълумотлар билан иш олиб боришга дуч келинади.

Бундай маълумотлар сирасига талабанинг ўзлаштириши ва давоматнинг лингвистик баҳолари, унинг психологиясига доир маълумотлар киради. Иштиёрий турдаги маълумотларга, хусусан қатъиймас кўринишдаги маълумотларга ишлов беришнинг самарали услуби – қатъиймас тўпламлар усулидир.

Қатъиймас мантиқнинг қўлланилиши кучсиз шакллантирилган бошланғич маълумотларда масалани муваффақиятли ечиш имконини беради. Бундан ташқари табиий тилга яқин қоидаларни тузиш ва қўллашни амалга ошириш, хулосалашнинг талаб қилинган натижаларига яқинлашиш даражасини сезиларли даражада оширади.

Ўқув курси мобайнида таълим олувчининг фаолиятини баҳолаш учун қуйидаги асосий категорияларни ажратамиз: талабанинг маърузага қатнашиши, талабанинг семинарларга қатнашиши, назорат ишларининг бажарилиши, уй топшириқларининг бажарилиши. Бу категорияларнинг ҳар бири бўйича бажарилганлик даражасининг олинган қийматлари ўзлаштиришнинг натижавий баҳоларини хулосалаш учун бошланғич маълумотлари сифатида қўлланилади.

Маърузага қатнашиш ва семинардаги фаолияти таълим олувчининг фаоллигини аниқлайди, айнан шу вақтда назорат ишларини бажариш ва уй вазифаларини бажариш ўқув курси давомида унинг фаолияти, самарадорлигини аниқлаб беради. Бундай оралиқ даражаларини белгилаш билимлар базасини шакллантиришда зарурий ишни таъминлаб беради.

Қуйидагича қатъиймас ўзгаришчилар киритамиз:

$$\tilde{X}_1 = \langle \text{маърузага қатнашиш} \rangle,$$

$$\tilde{X}_2 = \langle \text{семинарда қатнашиш} \rangle.$$

Бу тўпламлар лингвистик векторлар сифатида қаралади ва қуйидагича тавсифланади:

$T(\tilde{X}_1) = \langle T_{x_1^1}, T_{x_1^2}, T_{x_1^3} \rangle$, бу ерда $T_{x_1^1}$ - < паст даража >, $T_{x_1^2}$ - < ўртача даража >, $T_{x_1^3}$ - < юқори даража >.

$T(\tilde{X}_2) = \langle T_{x_2^1}, T_{x_2^2}, T_{x_2^3} \rangle$, бу ерда $T_{x_2^1}$ - < паст даража >, $T_{x_2^2}$ - < ўртача даража >, $T_{x_2^3}$ - < юқори даража >.

Юқоридаги икки категориядан $(\tilde{X}_1, \tilde{X}_2)$ талабанинг фаоллигини аниқлаймиз ва уни ҳам учта даража бўйича баҳолаймиз.

Φ - < талаба фаоллиги > $M(\Phi) = \langle M_\Phi^1, M_\Phi^2, M_\Phi^3 \rangle$ бу

ерда M_Φ^1 - < паст даража >, M_Φ^2 - < ўртача даража >, M_Φ^3 - < юқори даража >. $M(\Phi)$ -тўплам элементларининг қийматларини фоизда ҳисоблаб чиқарамиз:

Энди “Талаба билимининг самарадорлиги” категориясини ҳам қатъиймас ўзгаришчилар орқали ифодалаймиз: $\tilde{Y}_1 = \langle \text{назорат ишларининг бажарилиши} \rangle$,

$T(\tilde{Y}_1) = \langle T_{y_1^1}, T_{y_1^2}, T_{y_1^3} \rangle$, бу ерда $T_{y_1^1}$ - < паст даража >, $T_{y_1^2}$ - < ўртача даража >, $T_{y_1^3}$ - < юқори даража >.

“Уй топшириқларининг бажарилиши” категориясини ҳам худди шундай қилиб кўриб чиқамиз: $\tilde{Y}_2 = \langle \text{уй топшириқларининг бажарилиши} \rangle$,

$T(\tilde{Y}_2) = \langle T_{y_2^1}, T_{y_2^2}, T_{y_2^3} \rangle$, бу ерда $T_{y_2^1}$ - < паст даража >, $T_{y_2^2}$ - < ўртача даража >, $T_{y_2^3}$ - < юқори даража >.

Юқоридаги икки “талабанинг билими самарадорлиги”, “Уй топшириқларининг бажарилиши” категориялардан талабанинг билими самарадорлигини аниқлаймиз ва уни ҳам учта даража бўйича баҳолаймиз.

B - < талаба билими самарадорлиги > $T(B) = \langle$

$M_B^1, M_B^2, M_B^3 \rangle$ бу ерда M_B^1 - < паст даража >, M_B^2 -

< ўртача даража >, M_B^3 - < юқори даража >. $T(B)$ - тўплам

элементларининг қийматларини фоизда ҳисоблаб чиқарамиз.

Талабаларнинг ўзлаштириш натижалари орқали уларнинг билимини баҳолашда қатъиймас мантиқ усуллари билан моделлаштириш ва баҳолаш (қарор қабул қилиш) орқали амалга оширилади. Бунда “аъло”,